



ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИ: МИЛЛИЙ МОДЕЛЬ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Асқаров Мирзохид Миржалол ўғли

ИИБ Академияси Ички ишлар органлари фаолиятини услубий
таъминлаш маркази, бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д. (PhD),
подполковник

Каримов Шерали Эргашевич

ИИБ Академияси Ички ишлар органлари фаолиятини услубий
таъминлаш маркази, етакчи илмий ходими, капитан
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21162740>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 28-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 30-iyun 2026 yil

KEYWORDS

ижтимоий профилактика,
маҳалла,
ҳуқуқбузарликларнинг
барвақт олдини олиш,
ижтимоий мослаштириш,
реинтеграция,
ресоциализация, кўп идорали
ҳамкорлик, криминоген
омиллар.

ABSTRACT

Мақолада мамалакатимизда жорий этилган
ижтимоий профилактика тизимининг мазмун-
моҳияти, унинг хорижий давлатлардаги ижтимоий
профилактика, ҳуқуқбузарларни реинтеграция
қилиш ва кўп идорали ҳамкорлик моделлари билан
ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари таҳлил қилинади.
Шунингдек, миллий тизимнинг устунликлари ва уни
янада такомиллаштириш бўйича таклифлари
илгари сурилади.

Ҳозирги даврда жиноятчиликка қарши курашиш фақат содир этилган
ҳуқуқбузарлик учун жазо тайинлаш билан чекланмасдан, уни келтириб чиқарувчи
ижтимоий, иқтисодий, оилавий ва психологик омилларни барвақт аниқлаш ҳамда
бартараф этишни талаб этмоқда. Шу боис кўплаб давлатларда ҳуқуқбузарликлар
профилактикасининг анъанавий маъмурий-ҳуқуқий усуллари ижтимоий хизматлар,
реабилитация, ресоциализация ва идоралараро ҳамкорлик механизмлари билан
бойитилмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган, жазони ўтаб
қайтган, оғир ижтимоий вазиятга тушган ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли
мавжуд шахслар билан манзилли ишлаш **замонавий кримнологик сиёсатнинг
муҳим йўналишига айланди.**

Ўзбекистонда шакллантирилаётган ижтимоий профилактика тизими ҳам
ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига эмас, аввало уларнинг сабаб ва шарт-
шароитларига таъсир кўрсатишга қаратилган комплекс ёндашув сифатида намоён
бўлмоқда.

Бироқ, ушбу тизимнинг назарий манбалари, хорижий моделлар билан ўхшаш ва
фарқли жиҳатлари ҳамда унинг миллий хусусиятлари юзасидан турли қарашлар
мавжуд. Хусусан, айримлар мазкур механизмни АҚШдаги ижтимоий хизматлар ва
жазони ўтаб чиққан шахсларни жамиятга қайта мослаштириш дастурларининг миллий
шакли сифатида талқин қилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистондаги ижтимоий

профилактика тизими қайси ғоя ва тамойилларга асослангани, у муайян хорижий моделдан олинганми ёки халқаро тажриба билан миллий маҳалла институти уйғунлигида шаклланган мустақил модельми, деган масалани илмий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Хўш, Ўзбекистондаги тизим Америка моделидан олинганми?

Ўзбекистондаги ижтимоий профилактика тизимини АҚШ ижтимоий хизматлари моделининг бевосита кўчирмаси, деб баҳолаш учун етарли расмий ёки илмий асос мавжуд эмас. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда АҚШнинг муайян дастури миллий тизимнинг прототиби сифатида кўрсатилмаган.

Тўғри, АҚШда жазони ўтаб чиққан шахсларни жамиятга қайтариш, уларни уй-жой, иш, таълим, тиббий ва психологик хизматлар билан боғлашга қаратилган **reentry**, яъни жамиятга қайта киритиш дастурлари кенг қўлланади. Бироқ АҚШ тизими [1] федерал, штат ва маҳаллий даражалардаги кўплаб алоҳида дастурлардан ташкил топган бўлиб, уни ягона марказлашган миллий ижтимоий профилактика механизми деб бўлмайди. АҚШ Ҳукумат ҳисобдорлиги бошқармаси [2] ҳам [реинтеграция дастурлари](#)да тарқоқлик, ўзаро такрорланиш ва мувофиқлаштириш [муаммолари](#) мавжудлигини қайд этган.

Ўзбекистон модели эса халқаро криминологияда тан олинган **учта умумий ғоянинг миллий шароитга мослаштирилган** кўринишидир:

- жиноятни фақат жазо билан эмас, уни келтириб чиқарувчи ижтимоий омилларга таъсир кўрсатиш орқали олдини олиш;
- бир шахс ёки оила муаммосини бир нечта давлат органи ҳамкорлигида ҳал этиш;
- ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этиш хавфи юқори бўлган шахсни жамиятдан ажратиш бўйича эмас, балки уни ижтимоий ҳаётга қайтариш.

БМТнинг жиноятчилик профилактикасига доир [тавсиялари](#)да [3] ҳам ижтимоий, иқтисодий, соғлиқни сақлаш ва таълим чоралари орқали жиноятчиликнинг кўп омилли сабабларига таъсир кўрсатиш ижтимоий профилактиканинг муҳим йўналиши сифатида эътироф этилади.

Шу маънода Ўзбекистон тизимини хориждан айнан кўчирилган модель эмас, балки **халқаро профилактика принциплари билан миллий маҳалла институти уйғунлаштирилган ўзига хос миллий модель** сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади.

Тизим аслида қандай мақсадда ишлаб чиқилган?

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги [Қонуни](#)да [4] профилактиканинг асосий вазифалари қаторида:

- ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган, илгари судланган ва жазони ўтаб қайтган шахсларни ижтимоий реабилитация ва мослаштириш;
- давлат органлари ва муассасаларининг ҳамкорлигини таъминлаш белгиланган.

Демак, тизимнинг асосий мақсади фақат жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсни назорат қилиш эмас. Унинг асл вазифаси – шахсни ҳуқуқбузарликка етаклаётган

ишсизлик, оилавий низо, турли моддаларга қарамлик, қаровсизлик, ижтимоий изоляция, таълимдан узилиш, психологик муаммо ёки тазйиқ ва зўравонлик каби омилларни барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этишдир.

2025 йилда [тизимлаштирилган тартибга кўра](#) [5], ижтимоий профилактика ҳуқуқбузарлик содир этиш **ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга** ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш тадбирлари мажмуини англатади.

Ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида **ижтимоий мослаштириш дастури** ишлаб чиқирилиши, унда аниқ тадбирлар, ижрочилар ва муддатлар белгиланиши назарда тутилган. Жараёнда **асосий субъектлар** сифатида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори иштирок этади. Зарур ҳолларда тиббиёт, таълим, меҳнат ва бошқа ташкилотлар мутахассислари **кўмаклашувчи субъектлар сифатида** жалб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 17 апрелдаги “Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги [ЎРҚ-1133-сон](#) Қонунида [6] ҳам ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари орқали ҳал этиш, ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва аҳолининг шахсий хавфсизликка бўлган ишончини ошириш устувор мақсад сифатида белгиланди.

Шу боис ижтимоий профилактика – ижтимоий ёрдамнинг оддий шакли эмас. У **ижтимоий хизматлар, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бирлаштирувчи комплекс механизмдир.**

Ўзбекистон тизимига энг яқин хорижий моделлар

1. Дания. “Мақтаб – ижтимоий хизмат – полиция ҳамкорлиги”

Даниядаги [SSP модели](#) [7] мамлакатимиздаги ижтимоий профилактика тизимига энг яқин хорижий механизмлардан бири ҳисобланади. SSP атамаси мактаб, ижтимоий хизмат ва полиция ҳамкорлигини англатади. Ушбу модель болалар ва ёшлардаги салбий ўзгаришларни илк босқичда аниқлаш, оила, мактаб, бўш вақт ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилган. Профилактика умумий, хавф гуруҳига қаратилган ва индивидуал даражаларда ташкил этилади. Бунда спорт клублари, ёшлар ташкилотлари, турар жой ташкилотлари ва ота-оналар ҳам жалб қилинади.

Ўхшашлиги: маҳаллий даражада кўп идорали ҳамкорлик ва муаммони жазо қўлланишидан олдин ҳал этиш.

Фарқи: Дания модели асосан болалар ва ёшларга ихтисослашган. Ўзбекистон тизими эса ёшлар билан бир қаторда ишсизлар, низоли оилалар, тазйиқдан жабрланаётган шахслар, илгари судланганлар, пробация назоратидагилар ва бошқа кенг тоифаларни қамраб олади.

2. Нидерландия. “Ғамхўрлик ва хавфсизлик уйлари”

Нидерландиядаги [Zorg- en Veiligheidshuizen](#) [8], яъни “Ғамхўрлик ва хавфсизлик уйлари” модели жиноий-ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий ва муниципал ваколатлар кесишган мураккаб ҳолатларни кўриб чиқади. Масалан, оилавий зўравонлик, ёшлар жиноятчилиги, оғир хулқ-атвор бузилиши, руҳий

ҳолат билан боғлиқ хавф ёки такрорий жиноятчилик мавжуд бўлганида полиция, прокуратура, муниципалитет, пробаия, тиббиёт ва ижтимоий хизматлар умумий кейс режасини ишлаб чиқади. Ахборот алмашинуви ва шахсий маълумотлардан фойдаланиш махсус қонунчилик билан тартибга солинган.

Жазони ўтаб чиққан шахсларга нисбатан уй-жой, даромад, қарздорлик, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, тиббий ёрдам ва ишга жойлашиш масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилади [9].

Ўхшашлиги: ҳар бир шахс бўйича комплекс режа ва давлат органларининг биргаликда ишлаши.

Фарқи: Нидерландияда мураккаб кейслар билан ишловчи махсус профессионал марказлар ва кейс-менежерлар тизими кучли. Ўзбекистонда эса асосий мувофиқлаштирувчи майдон маҳалла ҳисобланади.

3. Буюк Британия. Интеграциялашган ҳуқуқбузарни бошқариш Буюк Британиядаги **Integrated Offender Management — IOM** модели [10] такрорий ва юқори хавфли ҳуқуқбузарлар билан полиция, пробаия, муниципал хизматлар ва бошқа ташкилотларнинг биргаликда ишлашини назарда тутди.

Тизимнинг асосий мақсади шахсни назорат қилиш билан бир вақтда уни жиноятдан воз кечишга олиб келувчи омилларни кучайтириш, уй-жой, соғлиқ, қарамликдан даволаниш ва бошқа хизматлар билан боғлашдан иборат.

2026 йилги баҳолашда индивидуал ва мослашувчан назорат, идоралараро ҳамкорлик ҳамда хизматларга тезкор йўналтириш ижобий жиҳатлар сифатида қайд этилган. Бироқ? **IOM**нинг такрорий жиноятчиликка таъсири бўйича илмий натижалар барча ҳудудларда бир хил эмаслиги ҳам кўрсатилган [11].

Ўхшашлиги: индивидуал режа, хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш, идоралараро назорат.

Фарқи: Британия модели асосан аллақачон ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга қаратилган. Ўзбекистон тизими ҳуқуқбузарлик содир этилишидан олдинги ижтимоий хавфларни ҳам қамраб олади.

4. Норвегия. Жазодан кейин эмас, жазони ўташ вақтидан бошланадиган реинтеграция

Норвегия жазони ижро этиш тизимида **нормаллик принципи** амал қилади. Унга кўра, жазонинг ўзи шахснинг озодлигини чеклашдан иборат бўлиб, маҳкум бошқа ижтимоий ҳуқуқларидан имкон қадар маҳрум этилмаслиги керак [12]. Жазони ўташ шароити ташқи ҳаётга яқинлаштирилади ва шахснинг озодликка чиққанидан кейинги ҳаётга тайёргарлик жазони ўташ вақтидаёқ бошланади.

Ўхшашлиги: жазони ўтаб чиққан шахсни жамиятга қайтариш ва такрорий жиноятчиликнинг ижтимоий омилларини бартараф этиш.

Фарқи: Норвегия модели кўпроқ пенитенциар ва постпенитенциар реинтеграцияга йўналтирилган. Ўзбекистон ижтимоий профилактикаси эса ҳуқуқбузарлик содир этмаган, аммо хавфли ижтимоий вазиятга тушган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

5. Америка Қўшма Штатлари. Кенг кўламли хизматлар, аммо тарқоқ бошқарув АҚШдаги **Second Chance Act** дастурлари жазони ўтаб чиққан шахсларга таълим, ишга жойлашиш, тиббий ва психологик ёрдам, мураббийлик, уй-жой ҳамда бошқа ўтиш

хизматларини кўрсатиш учун штатлар, маҳаллий ҳокимиятлар ва нодавлат ташкилотларга грантлар ажратади.

Ушбу йўналиш хизматлар хилма-хиллиги ва нодавлат сектор иштирокининг юқорилиги билан ажралиб туради. Бироқ, мамлакатда маҳалла даражасида барча хавф гуруҳларини қамраб олувчи, ягона тартибда ишлайдиган марказлашган ижтимоий профилактика тизими мавжуд эмас. Шу жиҳатдан Ўзбекистондаги тизим АҚШ моделидан айрим **реинтеграция ғояларини эслатса-да, ташкилий жиҳатдан ундан анча фарқ қилади.**

Ўзбекистон миллий моделининг асосий устунликлари

Миллий тизимни илмий нуқтаи назардан ижобий баҳолаш учун бир қатор асослар мавжуд.

Биринчидан, профилактика аҳолига энг яқин бўғинда ташкил этилган. Кўплаб хорижий давлатларда ижтимоий ва жиноий-ҳуқуқий хизматлар турли манзилларда жойлашган. Ўзбекистонда эса маҳалла бир ҳудуддаги ижтимоий вазиятни доимий кузатиш ва хизматларни мувофиқлаштириш имконини беради.

Иккинчидан, тизим фақат ҳуқуқбузарга эмас, эҳтимолий жабрланувчига ҳам қаратилган. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланиш хавфи мавжуд шахслар, оғир ижтимоий вазиятга тушган хотин-қизлар, қаровсиз болалар ва низоли оилаларнинг қамраб олиниши виктимологик профилактикани ҳам таъминлайди.

Учинчидан, муаммо эмас, шахс марказга қўйилган. Ҳар бир шахс учун алоҳида ижтимоий мослаштириш дастури тузилиши бир хил умумий тадбирларни барчага татбиқ этишдан кўра самаралироқ ёндашувдир.

Тўртинчидан, масъулият биргина профилактика инспекторига юкланмаган. Бандлик, оила, ёшлар, ижтимоий ҳимоя, солиқ, таълим ва тиббиёт органларининг вазифалари бир жараёнга бирлаштирилган.

Бешинчидан, “Е-ijtimoiy profilaktika” тизими орқали топшириқларнинг ижроси ва ахборот алмашинуви рақамлаштирилган. Бу мурожаатнинг идоралар ўртасида йўқолиб қолиши ёки масъулиятнинг бир-бирига юкланиши хавфини камайтиришга хизмат қилади.

Шунинг учун Ўзбекистон моделининг энг катта ютуғи хорижий тажрибани шунчаки такрорлаганида эмас. Унинг асосий инновацияси – **жиноятчилик профилактикасининг халқаро принципларини тарихан шаклланган маҳалла институти орқали бутун мамлакат миқёсида амалга ошириш механизми яратилганидир.**

Тизимни янада такомиллаштириш учун нималар зарур?

Тизимни юқори баҳолаш уни мутлақо камчиликсиз механизм эканлигини англатмайди. [Бизнингча \[13\]](#), бугунги кунда тизимда айрим такомиллаштирилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, шахсни ижтимоий профилактика объекти сифатида белгилашда илмий асосланган хавф ва эҳтиёжларни баҳолаш мезонлари қўлланиши зарур. Ишсизлик ёки камбағалликнинг ўзи шахсни жиноят содир этишга мойил, деб ҳисоблаш учун асос бўлмаслиги керак.

Иккинчидан, самарадорлик ташрифлар, суҳбатлар ёки тизимга киритилган маълумотлар сони билан эмас, балки шахснинг реал ижтимоий ҳолати ўзгариши билан

баҳоланиши лозим. Масалан, барқарор ишга жойлашиш, таълимга қайтиш, оилавий низонинг бартараф этилиши, такрорий ҳуқуқбузарлик содир этилмаслиги ва жабрланиш хавфининг камайиши асосий натижа бўлиши керак.

Учинчидан, мураккаб ҳолатлар бўйича профессионал **кейс-менежер** ёки етакчи мутахассис институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу бир шахсга бир нечта субъект томонидан ўзаро боғланмаган топшириқлар берилишининг олдини олади.

Тўртинчидан, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, маълумот алмашиш чегаралари, фуқаронинг розилиги ва профилактика тугаганидан кейин маълумотларни сақлаш масалалари янада аниқ тартибга солиниши лозим. Дания ва Нидерландия тажрибаси ушбу йўналишда фойдали бўлиши мумкин.

Бешинчидан, ижтимоий профилактика натижалари мустақил илмий муассасалар томонидан мунтазам баҳоланиб, қайси чора-тадбир қайси тоифадаги шахсга нисбатан самарали экани аниқланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон [қарорида](#) ҳам маҳалла еттилиги вакилларининг билим ва кўникмалари етарли эмаслиги, профилактика инспекторларининг хизмат юкламаси юқорилиги ҳамда мувофиқлаштиришда муаммолар борлиги қайд этилган. Демак, кейинги босқичда асосий эътибор янги вазифаларни кўпайтиришга эмас, мавжуд механизмларни профессионал, сифатли ва натижага йўналтирилган тарзда амалга оширишга қаратилиши керак.

Хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистондаги ижтимоий профилактика тизими АҚШ ижтимоий хизматларининг нусхаси эмас. Унда АҚШнинг реинтеграция дастурлари, Даниянинг мактаб–ижтимоий хизмат–полиция ҳамкорлиги, Нидерландиянинг комплекс кейсларни бошқариш, Буюк Британиянинг интеграциялашган ҳуқуқбузарни бошқариш ва Норвегиянинг ресоциализация тамойилларига ўхшаш элементлар мавжуд.

Бироқ, миллий моделнинг асосий фарқи ва устунлиги шундаки, ушбу ёндашувлар **маҳалла институти, маҳалла еттилиги ва индивидуал ижтимоий мослаштириш дастури орқали ягона маҳаллий механизмга бирлаштирилган.**

Жинойят содир этилганидан кейин айбдорни жазолаш – давлатнинг зарурий вазифаси. Аммо шахсни жиноятга етаклаётган муаммони олдиндан кўриш, унинг ишсизлиги, оилавий низоси, ижтимоий изоляцияси ёки бошқа эҳтиёжини ўз вақтида ҳал этиш – **жамият учун анча инсонпарвар, самарали ва иқтисодий жиҳатдан мақбул йўлдир.**

Шу маънода ижтимоий профилактика тизими Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ва фалсафасини ўзгартирган муҳим ислохотдир. Зера, ҳар қачон, ҳар қандай жамият **марказида содир этилган жиноят эмас, унинг олдини олиш; ҳисобот эмас, инсон қадри; жазо эмас, ижтимоий муаммони бартараф этиш туриши лозим.**

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bureau of Justice Assistance. Second Chance Act Programs:
2. <https://bja.ojp.gov/library/publications/second-chance-act-improving-adult-and-youth-crisis-stabilization-and-community>

3. United States Government Accountability Office. Inmate Reentry Programs — Enhanced Information Sharing Could Further Strengthen Coordination and Reduce Duplication: <https://www.gao.gov/assets/gao-13-93.pdf>
4. United Nations Office on Drugs and Crime. Handbook on the Crime Prevention Guidelines: Making Them Work: https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/Handbook_on_Crime_Prevention_Guidelines_Making_them_work.pdf
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни: <https://lex.uz/docs/2387357>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил
7. 1 декабрдаги “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/7872510>
8. Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 17 апрелдаги “Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1133-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/8145049>
9. Danish Crime Prevention Council. SSP Cooperation — Basis and Organisation: <https://dkr.dk/media/6901/uk-ssp-cooperation-basis-and-organisation.pdf>
10. Wet gegevensverwerking door samenwerkingsverbanden.
11. [https://www.rijksoverheid.nl/actueel/nieuws/2024/06/18/eerste-kamer-akkoord - met-wet-gegevensverwerking-door-samenwerkingsverbanden](https://www.rijksoverheid.nl/actueel/nieuws/2024/06/18/eerste-kamer-akkoord-met-wet-gegevensverwerking-door-samenwerkingsverbanden)
12. Terugkeer naar de samenleving van gedetineerden. <https://www.rijksoverheid.nl/themas/recht-veiligheid-en-defensie/straffen-en-maatregelen/terugkeer-naar-de-samenleving-van-gedetineerden>
13. UK Government. Integrated Offender Management: <https://www.gov.uk/guidance/integrated-offender-management-iom>
14. UK Ministry of Justice. Impact Evaluation of Integrated Offender Management, <https://assets.publishing.service.gov.uk/media/69bbc4534b1db2e4ba9b6430/IOM-impact-report.pdf>
15. Norwegian Correctional Service. Principle of Normality:
16. <https://www.kriminalomsorgen.no/en/about-the-norwegian-correctional-service>
17. Ўзбекистоннинг миллий ижтимоий профилактика модели ва хорижий тажриба. t.me/legal_focus.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7330260>